Адл ила олам юзин обод қил

# Куч – адолатда

2020 йил
27 ноябрь,
жума
№ 45 (818)

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг ҳуқуқий газетаси ● http://www.sud.uz ● 1998 йил 29 августдан чиқа бошлаган.

## ПРЕЗИДЕНТ ТОПШИРИҚЛАРИ ИЖРОСИНИНГ БОРИШИ КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

***Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 26 ноябрь куни Қашқадарё вилоятини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ва аҳоли ҳаётини яхшилаш масалалари бўйича видеоселектор йиғилиши ўтказилди.***

Давлатимиз раҳбари 12-13 ноябрь кунлари вилоятда бўлиб, шу борадаги вазифаларни белгилаб берган эди. Ҳар бир туман ва шаҳарни жадал ривожлантиришга туртки бериш мақсадида марказий идоралар, жумладан, вазирлик ва тижорат банклари раҳбарлари бириктирилиб, зарур ресурслар ажратилди. 2021 йил Қашқадарёда "Тадбиркорликни ривожлантириш йили" деб эълон қилинди. 10 мингта янги тадбиркорлик субъекти ташкил этиш мақсад қилиб қўйилди.

Йиғилишда ҳар бир туман ва шаҳарнинг "ўсиш нуқталари"га асосланиб, саноат, қишлоқ хўжалиги ва хизмат кўрсатиш бўйича лойиҳаларни мижозбай ишлаб чиқиш зарурлиги таъкидланди.

Масалан, Яккабоғ, Қамаши, Чироқчи, Шаҳрисабз ҳамда Китоб туманларида 20 минг гектарда интенсив боғ ва узумзорлар яратиш орқали вилоятда мева-сабзавотни қайта ишлаш даражасини 25 фоизга етказиш мумкин.

Шаҳрисабз шаҳри, Нишон, Деҳқонобод, Яккабоғ, Миришкор, Ғузор, Шаҳрисабз, Муборак туманларида ташкил этиладиган 11 та кичик саноат зонасида лойиҳаларни жойлаштириш ва инфратузилмага улаш кераклиги қайд этилди.

2021 йилда тижорат банклари кредитлари асосида хизмат кўрсатиш соҳасида 650 миллиард сўмлик 500 та янги лойиҳа амалга оширилиши режалаштирилган.

Давлатимиз раҳбари келгуси икки йилга мўлжалланган 1 минг 153 та инвестиция лойиҳасининг иқтисодий-ижтимоий аҳамиятини таъкидлаб ўтди. Бунда қарийб 1 миллиард доллар хорижий инвестицияларни ўзлаштириб, 19 мингта янги иш ўрни яратиш кўзда тутилган.

Мутасаддиларга саноат паст даражада ривожланган туманлар учун қўшимча лойиҳалар ишлаб чиқиш, мавжуд захираларни самарали ишга солиш вазифаси қўйилди.

"Темир дафтар"га киритилган оилаларни камбағалликдан чиқариш чоралари муҳокама қилинди. Кичик бизнесни ривожлантириш, ёшлар ва аёлларда тадбиркорлик кўникмаларини шакллантириш муҳимлиги таъкидланди.

Президентнинг вилоятга сафари чоғида қишлоқ хўжалигида фойдаланишдан чиқиб кетган 81 минг гектар ерни ўзлаштириш, 63 минг гектарда сув тежовчи технологияларни жорий қилиш белгиланган эди.

Қарши, Қамаши ва Косон туманларида 1200 гектар майдонда замонавий иссиқхоналар, Деҳқонобод тумани ҳамда вилоятнинг тоғолди ҳудудларида писта ва доривор ўсимликлар плантациялари ташкил қилиш зарурлиги айтилганди.

Йиғилишда шу борадаги ташкилий ва молиявий ишларни жадаллаштириш бўйича кўрсатмалар берилди.

Муҳандислик-коммуникация инфратузилмасини ривожлантириш, ичимлик суви тармоқларини қуриш ва реконструкция қилиш, автомобиль йўлларини таъмирлашга оид масалалар кўриб чиқилди. Турар жойга талаб юқори бўлган ҳудудларда муҳтож аҳоли учун 5 қаватли энергия тежамкор уйлар қуриш муҳимлиги айтиб ўтилди.

Ижтимоий масалаларга алоҳида эътибор қаратилди. Мактабларни реконструкция қилиш ва таъмирлаш учун 2021 йилги Инвестиция дастури доирасида қўшимча 100 миллиард сўм ажратилиши қайд этилди. Ушбу маблағлар ҳисобига 88 та мактабда қўшимча иморат қурилади, 100 тадан кўпроғи эса тўлиқ жиҳозланади, пахса деворли филиаллар ўрнига янги бинолар барпо этилади.

Йиғилишда Қарши шаҳридаги 42-мактаб, шунингдек, туман марказларидаги биттадан шундай муассаса негизида ахборот технологияларига ихтисослашган мактаблар ташкил этиш юзасидан кўрсатма берилди.

Таълим ва соғлиқни сақлаш тизимида бошланган ислоҳотларни самарали ташкил этиш, айниқса, ёшларни қўллаб-қувватлаш ва бандлигини таъминлаш долзарб масала экани таъкидланди.

Бош вазир ўринбосари Жамшид Қўчқоровга вазирлик ва идоралар, тижорат банклари раҳбарлари билан бирга Қашқадарё вилоятини комплекс ривожлантириш, тадбиркорларга кўмаклашиш, камбағалликни қисқартириш масалалари ижросини назоратга олиш топширилди.

Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлигига ҳар бир инвестиция лойиҳасининг ҳолатини жойига чиқиб, танқидий таҳлил қилиш, муаммоларни самарали ҳал этиш вазифаси қўйилди.

Сектор раҳбарлари топшириқлар ижроси натижадорлиги юзасидан Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларида ҳар ойда ҳисобот бериб бориши белгиланди.

Йиғилишда Қашқадарё вилояти ва туманлар ҳокимлари, соҳа ва тармоқлар мутасаддилари лойиҳаларни бажаришга қаратилган режалари юзасидан ахборот берди.

**ЎзА**

**Яқинда бўлиб ўтган Олий Мажлис Сенатининг тўққизинчи ялпи мажлисида маъқулланган "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун билан амалдаги 18 та қонун ҳужжатига, шу жумладан, 12 та қонун ва 6 та кодексга ўзгартиш ва қўшимчалар киритилмоқда. Қонун 8 турдаги тузатишларни қамраб олган.**

*Янги қонун моҳияти*

## Янги қонун асосида

### *амалдаги 12 та қонун ва 6 та кодексга ўзгартишлар киритилмоқда*

***Биринчидан.*** Мактабгача таълим соҳасида — янги қонун билан амалдаги 5 та қонунга ўзгартиришлар киритилмоқда. Бунга асос — 2019 йил 16 декабрда қабул қилинган "Мактабгача таълим ва тарбия тўғрисида"ги қонун талабларига кўра, "мактабгача таълим муассасалари" атамаси "мактабгача таълим ташкилотлари" деб қайта номланганидир.

***Иккинчидан.*** Жисмоний тарбия ва спорт соҳасида 2 та қонунга тузатишлар киритилишига сабаб — Ўзбекистон Президентининг фармонларига асосан, Давлат жисмоний тарбия институти қошидаги Жисмоний тарбия ва спорт бўйича мутахассисларни илмий-методик таъминлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш маркази вазирлик тасарруфига берилганидир.



Шунингдек, ихтисослаштирилган олимпия захиралари мактаб-интернатлари негизида олимпия захиралари коллежларини ташкил этиш назарда тутилган.

(Давоми 3-бетда) ▶

***Маълумки, ички ишлар органлари таянч пунктлари бевосита фуқаролар — жамоатчилик билан ишлайдиган, ҳамюртларимиз кўпроқ мурожаат қиладиган тузилма саналади. Шу маънода айтганда, профилактика инспекторлари ўз хизмат ҳудуди аҳолисининг қувончу ташвишларига шерик бўладиган ходимлардир.***

*Оқлов*

## Апелляция инстанцияси




Аммо Риштон туман ИИБ профилактика катта инспектори Аброржон Аъзамов ва профилактика инспектори Азаматбек Турсуновлар туманнинг Жалаер маҳалласида юз берган жанжал туфайли ноҳақ айбловга гирифтор бўлишди. Аниқроғи, жиноят ишлари бўйича Бағдод туман судининг 2020 йил 14 февралдаги ҳукмига биноан, улар Жиноят кодексининг 206-моддаси 1-қисми билан айбдор деб топилиб, шу кодекснинг 45-моддаси тартибида 1 йил муддатга раҳбарлик ва моддий жавобгарлик вазифаларида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилиш ҳамда иш ҳақининг 20 фоизини давлат даромадига ушлаб қолган ҳолда 2 йил муддатга ахлоқ тузатиш иши жазосига маҳкум этилган.

Шу ўринда ҳақли савол туғилади: хўш, Жалаер маҳалласида қандай жанжал юз бергандики, бир эмас, икки нафар профилактика инспектори айбдор деб топилиб, жазога маҳкум этилди?

(Давоми 2-бетда) ▶

*Конституциямиз қабул қилинганининг 29 йиллигига*

## Конституция —

### юртимизда янги ҳаёт, янги жамият барпо этишнинг ҳуқуқий асосидир

***Юртимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар самарадорлиги, тинчлик ва тараққиётнинг асосий гарови ҳам Конституция ва қонун устуворлигини таъминлаш билан бевосита боғлиқдир.***



Шунинг учун ҳаётимизнинг барча соҳа ва тармоқларида меҳнат қилаётган инсонлар, биринчи навбатда, раҳбар ходимларнинг Конституция ва қонунлар моҳиятини пухта билиши, уларнинг ижросини тўғри ташкил этиши, бу қоидаларга бутун жамият аъзолари қатъий амал қилиши шарт бўлган муҳитни яратиш ғоят муҳим ва долзарб вазифага айланмоқда.

Мустақиллик, Конституция, фуқаролик жамияти ва демократия тушунчалари ўртасидаги узвий алоқадорлик муҳим аҳамиятга эга. Зеро, мустақил мамлакатни демократик ҳуқуқий давлат ва кучли фуқаролик жамияти институтларисиз тасаввур этиб бўлмайди. Шу боис юртимизда истиқлолнинг илк кунлариданоқ демократик янгиланиш, эркин фуқаролик жамиятини барпо этиш йўли танлаб олинди.



Бинобарин, бу йўлни ҳар ким ўзига хос йўсинда босиб ўтади. Ўзбекистон демократиянинг фундаментал тамойилларига асосланган, уларга қатъий риоя этган ҳолда, айни пайтда ўз ҳаракатларини халқимизнинг тафаккури, неча минг йиллик турмуш тарзи билан мувофиқ равишда олиб бормоқда.

(Давоми 2-бетда) ▶

*Фуқаролик қонунчилиги*

## Ворислик ҳуқуқи

### *бу борада янги Фуқаролик кодексига тавсия этилаётган янгиликлар*

***Бугунги кунда фуқаролик қонунчилигини бозор иқтисодиёти тамойиллари ва халқаро стандартларга мувофиқ модернизация қилиш, бозор иқтисодиётини янада ривожлантириш учун замонавий фуқаролик-ҳуқуқий асосларни яратиш долзарб аҳамият касб этмоқда. Шу мақсадда Президентимизнинг 2019 йил 5 апрелдаги Фармойиши билан Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик қонунчилигини такомиллаштириш концепцияси тасдиқланди.***




Фармойиш ижроси доирасида Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик қонунчилигини такомиллаштириш бўйича идораларaро комиссия ҳам тузилди.

Ўтган қисқа даврда Идоралараро комиссия томонидан муайян ишлар амалга оширилди. Хусусан, Фуқаролик кодексининг янги таҳририни тайёрлашда иш ҳажми катта бўлишини инобатга олиб, аввалабор, фуқаролик қонунчилиги соҳалари бўйича 8 та йўналишда ишчи гуруҳлари ташкил этилди.

(Давоми 3-бетда) ▶

## Жазони ижро этиш соҳаси ходимлари малака оширди

***Тошкентда 26 ноябрь куни "Жазони ижро этиш тизими фаолияти: халқаро стандартлар ҳамда хорижий ва миллий тажриба" мавзуида ўқув семинари бўлиб ўтди.***

Тадбир Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) томонидан Ички ишлар вазирлиги ҳамда "Тараққиёт стратегияси" маркази ҳамкорлигида Ички ишлар вазирлигининг жазони ижро этиш муассасалари раҳбарлари ва Омбудсман котибияти ходимлари учун ташкил этилди.

Анжуманда БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари бошқармасининг Марказий Осиё бўйича ваколатхонаси, БМТ Демократия жамғармаси ва Халқаро қамоқхоналар ислоҳоти (PRI) халқаро нодавлат ташкилоти вакиллари онлайн тарзда иштирок этди.

Семинарда жазони ижро этиш муассасалари раҳбарлари ва ходимлари фаолиятига оид халқаро стандартлар, соҳадаги илғор хорижий тажриба ҳақида, бундай муассасаларда менежмент ва сервис дастурлари ташкил этиш юзасидан маълумот берилди.

Мулоқот иштирокчиларига жазони ижро этиш тизимида ушлаб турилган, қамоққа олинган ва озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган шахсларга нисбатан қийноққа солиш ва бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки инсон қадр-қимматини камситувчи муомала ва жазо турлари қўлланилишининг олдини олиш борасида мамлакатимизда амалга оширилаётган ишлар тўғрисида ахборот берилди.

Ижтимоий хавфи катта бўлмаган ва унча оғир бўлмаган жинояти учун жазо ўтаётган маҳкумларга илк бор сайлов ҳуқуқи берилиши, маҳкумларнинг иш ҳақидан ижтимоий суғурта ажратилмаслиги, пенсия таъминотига эга бўлиши белгиланиши, маҳкумлар учун телефон сўзлашуви, йўқлов ва учрашувлар сони қарийб икки баравар кўпайтирилиши, қолаверса, озодликдан маҳрум этилган шахслар учун умумий таълим ва касб-ҳунарга ўқитиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида Вазирлар Маҳкамасининг қарори қабул қилингани мамлакатимизда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш борасида сезиларли ижобий ўзгаришлар юз берганидан далолат.

Семинар қатнашчилари Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) ҳузуридаги қийноқларнинг олдини олиш бўйича Миллий превентив механизм (МПМ) доирасида амалга оширилаётган ишлар, жазони ижро этиш муассасаларига амалга оширилаётган мониторинг ташрифлари тўғрисида ҳам батафсил маълумот олди.

Жорий йилнинг ўтган ўн ойи давомида Омбудсман ҳузуридаги Миллий превентив механизм доирасида фаолият кўрсатувчи эксперт гуруҳи томонидан тергов ҳибсхоналари, озодликдан маҳрум этиш жойлари ва шахслар турган, ўз ихтиёри билан чиқиб кета олмайдиган бошқа манзилларда жами 68 марта мониторинг ўтказилди. Тергов ҳибсхонаси ва озодликдан маҳрум этиш жойларидаги 3700 дан зиёд шахс билан жамоавий учрашув ташкил этилди, 534 киши билан якка тартибда суҳбатлашилди.

Эътиборга молик жиҳати, мониторинг гуруҳи таркибида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенат аъзолари билан бир қаторда фуқаролик жамияти институти вакиллари ҳам қатнашмоқда.

Ўқув семинари давомида мутахассис ва экспертлар иштирокчиларнинг билимларини амалиётда қўллаш билан боғлиқ, шунингдек, соҳага тааллуқли бошқа саволларига жавоб қайтарди.

**Ғайрат ХОННАЗАРОВ,**
*ЎзА мухбири*

*Жиноят ва жазо*

## Антиқа алдов

### *ёки она ниқобидаги фириб*

**Эҳтиётсизлик оқибатида юз берган фожиа ортидан кутилмаганда яна ташвиш туғилса, киши буткул гангиб қоларкан. Яна денг, бу дилхираликнинг бошида ўзинг авввалдан яхши таниган, билган одамлар турса, ишончингни суиистеъмол қилиб, алдаса, бундан ёмони йўқ экан.**

Фалокат кутилмаганда рўй берди. Бобоқул Омонқулов (исм-шарифлар ўзгартирилди) автомашинани бошқариб бораётиб, кўчада эҳтиётсизлик оқибатида Н.Холбўтаевни уриб юборди.

Шу йил 22 февраль куни ушбу ҳодиса рўй берган жойдаги дўконда ишловчи М.Исоев жабрланган Н.Холбўтаевга биринчи ёрдам кўрсатишда Б.Омонқуловга кўмаклашганди. Яъни улар Н.Холбўтаевни зудлик билан туман марказий шифохонасига олиб боришади, бироқ жабрланувчи вафот этади.

Орадан икки-уч кун ўтгач, кўчада Бобоқул Омонқулов М. Исоев билан учрашиб қолади. Шунда М.Исоев кўнгил сўрайди. Б.Омонқулов эса, жабрланувчи томоннинг алами босилмаётганини айтади.

Буни эшитиб, М.Исоев ғалати гапни айтади:

— Вафот этган йигитнинг онаси узоқроқ қариндошим бўлади, — дейди у. — Мен сизга ёрдам беришим мумкин. Хўп десангиз, гаплашиб, яраштириб қўяман.

Бу гапни эшитиб, рўй берган фожиадан гангиб юрган Б.Омонқуловнинг кўнгли бироз тасалли топгандай бўлади. Ярашиш харажатсиз битмаслигини ўйлаган Б.Омонқулова бу ҳақда яқинлари билан маслаҳатлашишини айтиб, уйига кетади.

(Давоми 2-бетда) ▶

*Оқлов*

# Апелляция инстанцияси

## *биринчи босқич суди ҳукмини бекор қилиб, судланувчиларни оқлади*

◀ (Бошланиши 1-бетда)

Суд ҳукмида қайд этилишича, ушбу маҳаллада яшовчи Аваз Юлдашев 2019 йил 26 август куни қўшниси Гулнора Юлдашеванинг уйига маст ҳолда кириб, хонадон соҳибасини ҳақоратлайди.

Шу боис, қўшни аёл профилактика инспекторлари А.Аъзамов ва А.Турсуновларга мурожаат қилади. Натижада улар ўша хонадонга бориб, воқеа тафсилотларидан воқиф бўлгач, ҳуқуқбузарни "Бешкапа" маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудидаги хизмат уйига олиб кетишади. Сўнгра Авазбекни шу ердаги қурилиши тугалланмаган намунали уй ҳовлисига олиб кириб, бўйин соҳаси орқа томонига уриб йиқитишади. Кейин эса, юзи ва баданининг турли жойларига уриб-тепиб, тан жароҳати етказишади. Бу ҳаракатлари билан улари Ички ишлар вазирининг 2017 йил 12 июндаги "Ички ишлар органларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлимлари фаолиятини ташкил этиш тартиби тўғрисида"ги 151-сонли буйруғи билан юклатилган хизмат ваколатлари доирасидан четга чиқишган. Оқибатда иккала ходимга нисбатан жиноят иши қўзғатилиб, суд ҳукми асосида уларга тегишли жазо тайинланади.

Шундан сўнг собиқ инспекторлар ўзларининг айбсизлигини тасдиқловчи бир қатор важларни келтириб, апелляция шикояти беришган ҳамда оқлов ажрими чиқаришни сўрашган.

Буни қарангки, апелляция суди мажлисида биринчи босқич суди томонидан суриштирув даврида тўпланган далилларга ишончлилик ва мақбуллик нуқтаи назаридан баҳо берилмагани, А.Аъзамов ва А.Турсуновларнинг айбдорлигига оид шубҳа ҳамда қарама-қаршиликлар бартараф этилмагани, фақатгина уларни айблаш нуқтаи назаридан шошма-шошарлик билан бир ёқлама суд тергови ўтказилгани аён бўлди. Қолаверса, дастлабки суриштирув даврида йиғилган ва биринчи босқич суди томонидан айблов ҳукми чиқаришга асос қилиб олинган далилларнинг асоссизлиги ҳамда мақбул эмаслиги, жиноят ишига Аброржон Аъзамов ва Азаматбек Турсуновларнинг дахли йўқлиги, жиноят иши қўзғатишга асос бўлган маълумотлар ҳаққоний эмаслиги ҳам аниқланди.

Бундан ташқари апелляция судида ҳимоячиси иштирокида сўроқ қилинган жабрланувчи Авазбек Юлдашев ўзини айнан ким урганини билмаслиги, маҳалла посбони "Сизни А.Аъзамов ва А.Турсуновлар урган", деб айтгани учун ўша пайтда шундай мазмунда кўрсатма бергани, бу ҳақда бирон-бир жойга ариза билан мурожаат қилмагани, шунингдек, ҳеч кимга нисбатан даъвоси йўқлигини билдирди.

Жиноят-процессуал кодексининг 463-моддасида "Айблов ҳукми тахминларга асосланган бўлиши мумкин эмас ва фақат судланувчининг жиноят содир этишда айбли эканлиги суд муҳокамаси давомида исбот қилинган тақдирдагина чиқарилади. Айблов ҳукмига жиноят содир этилишининг иш бўйича барча мумкин бўлган ҳолатларини текшириш, иш материалларида маълум бўлиб қолган барча камкўстни тўлдириш, юзага келган ҳамма шубҳа ва қарама-қаршиликларга барҳам бериш натижасида йиғилган ишончли далилларгина асос қилиб олиниши лозим" дея қайд этилган. Ушбу кодекснинг 464-моддасига мувофиқ эса, жиноий ҳодиса юз бермаган бўлса, судланувчи содир этган қилмишда жиноят таркиби бўлмаса, жиноят содир этилишига судланувчи дахлдор бўлмаса, жиноят бошқа шахс томонидан содир этилганлиги аниқланса, шунингдек, судланувчига қўйилган айблов иш ҳолатлари батафсил текширилгандан кейин ишонарли тарзда ўз тасдиғини топмаса, суд ушбу кодекснинг 83-моддасида назарда тутилган асосларга кўра, судланувчини оқлайди.

Қисқаси, юқорида қайд этилган қонуний асосларга таянган жиноят ишлари бўйича Фарғона вилоят суди жиноят ишлари бўйича Бағдод туман судининг 2020 йил 14 февралдаги ҳукмини бекор қилиб, Аброржон Аъзамов ва Азаматбек Турсуновни айбсиз деб топиб, оқлади.

Шу ўринда жиноят ишининг яна бир муҳим жиҳатига эътибор қаратсак. Гап шундаки, Жиноят процессуал кодексининг 11-моддасида судья, прокурор, терговчи, суриштирувчи, ҳимоячи, шунингдек, жиноят ишини юритишда иштирок этувчи барча шахслар Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, ушбу кодекс ва бошқа қонунларга аниқ риоя этиши ва уларнинг талабини бажариши шартлиги, қонунларни аниқ бажаришдан ва уларга риоя қилишдан ҳар қандай чекиниш, қандай сабабларга кўра, юз берганидан қатъи назар, жиноят процессида қонунийликни бузиш ҳисобланиши ва белгиланган жавобгарликка сабаб бўлиши, кодекснинг 485-моддасида эса, иш бўйича ушбу кодекснинг 82-84-моддаларида кўрсатилган ҳолатлар етарлича тўлиқ аниқланмаган бўлса, кўрсатмалари ишни ҳал қилишга таъсир этиши мумкин бўлган шахслар сўроқ қилинмаган, зарур бўлишига қарамай экспертиза ўтказилмаган, худди шунингдек, ҳужжатлар, ашёвий далиллар талаб қилиб олинмаган ёки натижалари иш учун аҳамиятли бўлиши мумкин бўлган бошқа суд-тергов ҳаракатлари ўтказилмаган бўлса, дастлабки тергов ёхуд суд тергови тўлиқ эмас ёки бир ёқлама ўтказилган деб эътироф этилиши белгиланган. Бинобарин, апелляция инстанцияси томонидан тергов жараёнидаги қонунбузилишлар юзасидан хусусий ажрим ҳам чиқарилиб, муҳокама қилиш учун Фарғона вилоят прокуратурасига юборилди.

Умид қиламизки, ушбу ҳолат бошқаларга ҳам сабоқ бўлади. Зеро, судлар тоонидан муқаддам ноҳақ айбланган шахсларнинг оқланиши Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан амалга оширилаётган кенг кўламли суд-ҳуқуқ ислоҳотларининг самарасидир.

**Раҳматжон АРАПОВ,**
*жиноят ишлари бўйича Фарғона вилояти судининг судьяси*

*Конституциямиз қабул қилинганининг 29 йиллигига*

# Конституция —

## юртимизда янги ҳаёт, янги жамият барпо этишнинг ҳуқуқий асосидир

◀ (Бошланиши 1-бетда)

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси — юртимизда янги ҳаёт, янги жамият барпо этишнинг ҳуқуқий пойдевори бўлиб хизмат қилмоқда.

Шуниси диққатга сазоворки, олдимизга қўйилган асосий мақсад ва устувор вазифалар мамлакатимизни эркинлаштириш ва модернизация қилиш борасида узоқни кўзлайдиган "Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари" тамойилига асосланган.

Бу — демократик ислоҳотларимиз изчил ва тадрижий, босқичма-босқич ва узлуксиз тизимли жараён эканининг яна бир исботидир.

Шу ўринда савол туғилади: фуқаролик жамияти институтлари нима ва улар жумласига қандай ташкилотлар киради?

*Биринчидан,* фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, маҳаллалар, сиёсий партиялар, оммавий ҳаракатлар, касаба уюшмалари, жамоат бирлашмалари ва жамоат фондлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари фуқаролик жамиятининг нафақат асосини ташкил этадиган, балки мазмун-моҳиятини ҳам белгилаб берадиган фуқаролик жамияти институтлари сирасига киради.

*Иккинчидан,* фуқаролик жамияти институтлари мақсад ва вазифаларининг асосий йўналиши мамлакатимизда демократик қадриятлар ва тамойиллар, инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишдан иборатдир.

Фуқаролик жамияти институтлари, биринчи навбатда, аҳолининг ижтимоий фаоллигини оширишда, миллий ўзликни англашда, жамият аъзоларининг сиёсий маданияти ва маънавий дунёқарашини юксалтиришда кўмаклашмоғи зарур.

*Учинчидан,* фуқаролик жамияти институтлари фаолиятида демократик қадриятлар, инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари, кишиларнинг қонуний манфаатлари ҳимояси алоҳида устувор аҳамият касб этиши шарт.

Бунинг замирида ўз ҳақ-ҳуқуқларини танийдиган, ўз кучи ва қобилиятига таяниб яшайдиган, атрофида рўй бераётган воқеа-ҳодисаларга мустақил муносабатда бўладиган, шу билан бирга, ўз шахсий манфаатларини мамлакат ва халқ манфаатлари билан уйғун ҳолда кўрадиган юксак маънавиятли шахсни шакллантириш учун барча зарур шарт-шароитларни яратишга қаратилган саъй-ҳаракатлар мужассамдир.

*Тўртинчидан,* Асосий Қонунимизда алоҳида XIII боб ва 7 та модда бевосита жамоат бирлашмаларининг ҳуқуқ ва мажбуриятларига бағишланганини таъкидлаш жоиз. Хусусан, Конституциямизнинг 58-моддасига мувофиқ, "Давлат жамоат бирлашмаларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига риоя этилишини таъминлайди, уларга ижтимоий ҳаётда иштирок этиш учун тенг ҳуқуқий имкониятлар яратиб беради. Давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг жамоат бирлашмалари фаолиятига аралашишига, шунингдек, жамоат бирлашмаларининг давлат органлари ва мансабдор шахслар фаолиятига аралашишига йўл қўйилмайди".



*Бешинчидан,* фуқаролик институтлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари фуқароларнинг ўз салоҳиятларини рўёбга чиқариши, уларнинг ижтимоий, социал-иқтисодий фаоллиги ва ҳуқуқий маданиятини ошириш учун шароит яратмоқда. Шунингдек, жамиятда манфаатлар мувозанатини таъминлашга кўмаклашмоқда.

Конституциямизда нодавлат нотижорат ташкилотларининг ҳуқуқий мақоми мустаҳкамланган. Бош Қомусимизнинг 56-моддасига кўра, қонунда белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган касаба уюшмалари, сиёсий партиялар, олимларнинг жамиятлари, хотин-қизлар, фахрийлар ва ёшлар ташкилотлари, ижодий уюшмалар, оммавий ҳаракатлар ва фуқароларнинг бошқа уюшмалари жамоат бирлашмалари сифатида эътироф этилади.



Шу ўринда Конституциямизнинг 34-моддасида "Ўзбекистон Республикаси фуқаролари касаба уюшмалари, сиёсий партияларга ва бошқа жамоат бирлашмаларига уюшиш, оммавий ҳаракатларда иштирок этиш ҳуқуқига эгадирлар", деган норма мустаҳкамлаб қўйилганини таъкидлаш лозим. Бу муҳим конституциявий нормаларда фуқароларнинг жамият институтларида иштирок этишини кафолатлайдиган ҳуқуқий асослар эътироф этилган.

Конституциямизда нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятига доир асосий принципларнинг мустаҳкамлаб қўйилгани барча аҳоли қатламлари манфаатларини акс эттирадиган бундай ташкилотлар кенг тармоқларининг ривожланиши учун қулай шароит яратди.

Мамлакатимизда бундай ташкилотларнинг обрўси ошиб, мустаҳкамланиб боргани сари фуқаролик жамияти институтларининг давлат ва ҳокимият тузилмалари фаолияти устидан таъсирчан жамоатчилик назоратини амалга оширишдаги роли тобора ортиб бормоқда.

Бугунги кунда жамоатчилик ва фуқаролик назорати институти жамиятнинг давлат билан ўзаро самарали алоқасини таъминлаш, одамларнинг кайфиятини, мамлакатда кечаётган ўзгаришларга муносабатини аниқлашнинг муҳим воситаларидан бирига айланмоқда.

Шу маънода, Ўзбекистонда фуқаролик жамияти институтларининг роли ва аҳамиятини кучайтиришга, фуқароларнинг энг муҳим социал-иқтисодий муаммоларини ҳал этишга қаратилган 250 дан ортиқ қонун ҳужжатлари қабул қилингани диққатга сазовордир.

Бугунги кунда мамлакатимизда нодавлат нотижорат ташкилотларини фуқаролик жамияти институтлари сифатида тобора ривожлантириш, уларнинг мустақил фаолият юритиши, фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш ҳамда ҳуқуқий онги ва маданиятини оширишда тутган ролини яна кучайтириш мақсадида, соҳа қонунчилиги янада такомиллаштирилмоқда. Хусусан, "Нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятининг кафолатлари тўғрисида", "Жамоат фондлари тўғрисида", "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида", "Ўзбекистон Республикасида жамоатчилик назорати тўғрисида", "Ҳомийлик тўғрисида"ги қонунлар ва бошқа ҳуқуқий асосларнинг шакллантирилганлиги ва ривожлантирилаётгани натижасида кейинги йилларда юртимизда нодавлат нотижорат ташкилотлари, умуман, фуқаролик жамияти институтлари изчил фаоллашди.

Айни вақтда Ўзбекистонда ўн икки мингга яқин нодавлат нотижорат ташкилоти фаолият юритади.

Энг йирик фуқаролик жамияти институтлари шаклларидан бири сиёсий партиялар ҳисобланади.

Мамлакатимизда фаолият олиб бораётган 5 та сиёсий партия ҳозирги кунда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва маҳаллий Кенгашлар депутатлари орқали юртимизда сиёсий-ижтимоий ислоҳотларни амалга оширишда фаол иштирок этмоқда.

Шундай қилиб, демократик ҳуқуқий давлат ва адолатли жамият барпо этиш — фақат қонун устуворлигини таъминлаш билангина чекланиб қолмайди. Балки халқимизнинг бой миллий-маънавий қадриятлари ва илғор халқаро андозаларга ҳам таяниш тақозо этилади. Бу борада асосий ҳуқуқий ва маънавий таянчимиз — Конституциямизнинг аҳамияти беқиёсдир.

**ГУЛРУҲ АГЗАМОВА,**
*Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати*



*Жиноят ва жазо*

# Антиқа

◀ (Бошланиши 1-бетда)

Маслаҳат нима бўлди? Орадан бир неча кун ўтса-да, бу ҳақда Б.Омонқуловдан жавоб йўқ эди. Ниҳоят, М.Исоевнинг ўзи унга қўнғироқ қилади.

— Марҳум Н.Холбўтаевнинг онаси кеча олдимга келди, — дейди у. — Дўконга ўрнатилган кузатув камерасидаги автоҳалокат видеоёзувларини сўради, жаҳл отидан тушадиганга ўхшамайди. Сиз тушкунликка тушманг, ора бироз совисин, мен уйига бориб, гаплашиб кўраман.

Албатта Б.Омонқулов М. Исоевдан яхши хабар кута бошлайди. Ниҳоят, М.Исоев қўнғироқ қилади. У вафот этган йигитнинг уйига боргани, онаси билан гаплашгани, кечирмайман, ярашмайман, дея жавоб берганини айтаркан, гапининг охирида "барибир сизларни яраштириб қўяман", дейди.

Орадан уч кун ўтгач, Б.Омонқулов М.Исоев билан яна учрашади. Шунда М.Исоев ундан ярашиш учун қанча пул бера олишини сўрайди. "Ўттиз миллион сўм атаб қўйганман", деб жавоб қилади Б.Омонқулов.

Буни эшитиб, М.Исоев ичичидан қувониб кетади, аммо сир бой бермайди, марҳумнинг онаси билан яраштириб қўйишга яна ваъда беради.

Шундан сўнг орадан кўп ўтмай М.Исоев Б.Омонқуловнинг олдига хушнуд кайфиятда келади. "Рози бўлди, — дейди у. — Эртага ваъда қилинган пулнинг ярмини қариндошлари олдида Гулзебо опага берамиз".

Қисқаси, эртаси куни ҳожатбарор М.Исоев Б. Омонқуловнинг опаси Ю.Алиева, поччаси Ғ.Алиев, ўртоғи С.Пирназаров ва адвокат В.Саидовларнинг гувоҳлигида марҳумнинг онасига қўнғироқ қилади, "уйингизга адвокат билан бирга боряпмиз", дейди.

"Мен сизларни кўришни хоҳламайман, — зардали жавоб эшитилади нариги тарафдан. — Уйимга келманглар, туман электр тармоқлари корхонаси биноси олдидаги кўчага опамнинг қизини чиқараман. Пулни унга қолдириб кетаверинглар".

Бу гапни эшитгач, адвокат В.Саидов М.Исоевдан қўл телефонини олиб, гапга аралашади, учрашиб, гаплашиб олиш лозимлигини айтади. Шунда нариги тарафдан "уйимизга келманглар, мен сизлар билан кўришишни хоҳламайман, бирон киши кўриб қолса, нотўғри тушунади", деган жавоб эшитилади.

Шундан сўнг улар айтилган манзилга боришса, кўча бошида вояга етмаган қизча — Ж.Рашидова "омонат"ни кутиб турган экан. Пул солинган целофан пакетни бераркан, М.Исоев Г.Фахриддинованинг қўл телефонига уланиб, уни қизчага беради. У эса, "олдим", деган хабарни айтади.

Шу ўринда нега ўттиз миллион эмас, унинг ярми — ўн беш миллион сўм олди-берди қилинганига ойдинлик киритадиган бўлсак, телефон орқали суҳбат чоғида Г.Фахриддинова ҳозирча ярашиш учун келишилган пулнинг ярмини бериб кетишини айтганмиш. Ҳал ҳолда бу М.Исоевнинг гапи. Унинг айтишича, агар биратўла ўттиз миллион сўм олса, одамлар боласининг ўлигини сотибди, деб гап қилармиш. Пулнинг қолганини қачон беришни аёлнинг ўзи айтармиш.

Бу ёқда денг, вақт ўтиб борар, автоҳалокат юзасидан олиб борилаётган суриштирув ва тергов ҳаракатлари ниҳоясига етиб, жиноят иши судга ўтиш арафасида эди. Бундан Б.Омонқулов ва унинг қариндошлари хавотири ошгандан ошиб бораётганди. Шунинг учун улар Г.Фахриддиновага қўнғироқ қилишади, адвокат жабрланган аёл билан гаплашади. Шунда улар "Бухородан меҳмонлар келган, бугун учрашолмаймиз, бошқа куни ўзим айтаман", деган жавобни эшитишади.

Жавоб шубҳали эди. Чунки республика бўйича пандемия сабабли карантин жорий этилган бир пайтда Бухородан меҳмон келиши кишида шубҳа уйғотади. Шунинг учун Б.Омонқуловнинг опаси Ю.Алиева автоҳалокат бўйича тергов ҳаракатларини олиб бораётган терговчига қўнғироқ қилади, вафот этган йигит онасининг телефон рақамини сўрайди. Сўнг ўша телефон рақамига қўнғироқ қилиб, "опа, пулни ярмини олдингиз, қолганини ҳам олиб, бизларга даъвоингиз йўқлиги ҳақида тилхат ёзиб беринг", деб сўрайди.

Ҳеч бир кутилмаганда фарзандидан ажралиб, юрак-бағри хун аёлнинг бу гапдан сўнг қай аҳволга тушишини тасаввур қилиш оғир. Муҳими, айни шу қўнғироқдан сўнг ҳаммаси ойдинлашади: фарзанди вафот этган Г.Фахриддинова ролини ўйнаган бошқа аёл экан. Шундан сўнг Б.Омонқулов ИИБ бўлимига бориб, бу ҳақда ариза билан мурожаат қилади.

Ички ишлар бўлими ходимлари томонидан шу йилнинг 7 апрель куни тадбир ўтказилади. Жабрланувчи Б.Омонқулов М.Исоевга учрашади ва ўртага масалани қатъий қўяди. "Гулзебо опа пулнинг қолганини олиб, даъвоси йўқлиги ҳақида тилхат ёзиб берсин, акс ҳолда, олган пулларни қайтарсин".

Бу талабдан сўнг М.Исоев Г.Фахриддинова ролини бажараётган аёл билан телефонда боғланади. Аёл ўғлининг ўлимига сабабчи бўлган Б.Омонқуловни кўришни истамаслигини айтиб, ўртоқларидан биридан пулни бериб юборишни, шунда даъвоси йўқлиги ҳақида тилхат ёзиб беражагини билдиради. Хуллас, ўша куни соат ўн тўртларда оқ кўзойнак таққан, эгнига кўк рангли аёллар халати, бошига малла ва оқ рангли рўмол ўраб, мотамсаро либосга ўралган аёл М.Исоев айтган Бўстон маҳалласидаги дўконга кириб келади.

Дўконда М.Исоев ёлғиз эмас эди. Ўн беш миллион сўмни бериш учун Б.Омонқулов номидан ўртоғи С.Пирназаров ҳам у билан бирга келганди. Бир варақ қоғозга ёзилган тилхатни аёл оқ қоғозга кўчириб беради. Шундан сўнг ҳалиги аёл С.Пирназаров стол устига қўйган пулларни олиб, уйига кетади.

*Фуқаролик қонунчилиги*

# Ворислик ҳуқуқи

*бу борада янги Фуқаролик кодексига тавсия этилаётган янгиликлар*

◀ **(Бошланиши 1-бетда)**

Ишчи гуруҳларининг намунавий режалари ҳамда фуқаролик ҳуқуқи соҳасидаги илғор хорижий тажрибани ўрганиш режаси тасдиқланди.

Ишчи гуруҳи томонидан Ўзбекистон Республикаси фуқаролик қонунчилиги мерос ҳуқуқи бўйича таҳлил қилинди. Бунда Фуқаролик кодексига эр-хотиннинг биргаликдаги васиятномаси ва мерос шартномасига оид қоидаларни киритиш масаласи кўриб чиқилди.

Шунингдек, мерос қолдирувчи ва меросхўр кредиторларининг ҳимоясини кучайтириш, меросни қабул қилиб олиш муддатларини белгилаш йўли билан мерос ҳуқуқини такомиллаштиришни назарда тутувчи нормалар аниқлаб олинди. Фуқаролик қонунчилигининг мерос ҳуқуқига оид нормаларини хатловдан ўтказиш ҳамда натижаларини умумлаштириш ишлари ҳам амалга оширилди.

Миллий қонунчилик хатлови натижаларига кўра, оила ва мерос ҳуқуқи бўйича 6 та кодекс, 23 та қонун, Ўзбекистон Президентининг 10 та қарори ва фармойиши, Вазирлар Маҳкамасининг 41 та қарори, 10 та идоравий ҳужжат ҳамда Олий суд Пленумининг 7 та қарори ўрганилди.

Ворислик ҳуқуқи бўйича Германия, Франция, Россия, Латвия, Польша, Қозоғистон каби мамлакатлар тажрибаси таҳлил қилинди. Мазкур давлатларнинг Фуқаролик кодекслари нормалари юзасидан қиёсий жадвал тайёрланди.

Бу борада қонунчиликка ўзгартиш киритиш бўйича таклифлар ишчи гуруҳлари йиғилишларида кўриб чиқилди.

Оила ва мерос ҳуқуқи ишчи гуруҳи томонидан ўрганишлар натижасида янги таҳрирдаги Фуқаролик кодекси лойиҳасига бир қатор янги ҳуқуқ институтлари киритилди. Натижада:

***биринчидан,*** ворислик тўғрисидаги умумий қоидаларда ворислик тушунчаси белгиланди. Фуқаролик қонун ҳужжатларида атама ва тушунчаларнинг ҳуқуқий маъноларини уларни аниқ таърифлаш ва бир хилда қўллаш зарурияти юзасидан мазкур ворислик тушунчасига таъриф берилди. Жумладан, вафот этган шахснинг мулкий ҳуқуқ ва мажбуриятларининг бошқа шахсларга, яъни меросхўрларга ўтиши юридик факт сифатида қаралиб, императив норма мақомини белгилайди. Бундай амалиёт Россия Федерацияси Фуқаролик кодексининг 1110-моддасида, Қозоғистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 1038-моддасида, шунингдек, Украина Фуқаролик кодексининг 1216-моддасида ўз аксини топган;

***иккинчидан,*** ворисликни қабул қилиш асослари аниқлаштирилди. Латвиянинг ҳуқуқий тартибга солиш тажрибасидан фойдаланилган ҳолда, ворислик васият ва қонун бўйича ёхуд ҳар иккала асосга кўра, амалга оширилиши белгиланди. Жумладан, амалдаги фуқаролик қонунчилигига мувофиқ, ворислик васият ёки қонун бўйича амалга ошириб келинган. Ҳар иккала асосдан бирининг мавжудлиги ворисликни белгилаб берган. Бу амалиётда васиятнома тузиш ҳамда уни амалга ошириш билан боғлиқ муносабатларда муаммолар мавжудлиги эътиборга олинди.

Шу боис, васиятнома тузган ҳолатда ҳам, қонун бўйича ворисликни белгилаш заруриятидан келиб чиқиб, янги таҳрирдаги Фуқаролик кодексида ворисликни ҳар иккала асосга кўра, амалга ошириш белгиланди;

***учинчидан,*** меросхўр бўлиши мумкин бўлган юридик шахслар тушунчаси аниқлаштирилди. Фуқаролик қонунчилигини такомиллаштириш концепциясига мувофиқ, турлича шарҳланадиган ёки амалиётда қўлланилиши масаласида тушунтиришларни талаб қиладиган нормаларни чиқариб ташлаш ёки уларни такомиллаштириш белгиланган.

Беларусь фуқаролик қонунчилиги тажрибасидан фойдаланган ҳолда, янги таҳрирдаги Фуқаролик кодексига юридик шахсларни меросхўр сифатида белгилаш қоидаларини аниқлаштирувчи норма киритилмоқда. Жумладан, мерос очилгунга қадар тузилиб бўлган ва мерос очилган вақтда фаолият юритаётган юридик шахслар, шунингдек, давлат ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳам васият бўйича меросхўр бўлиши мумкинлиги белгиланди;

***тўртинчидан,*** меросхўр нолойиқ деб топилган ҳолларда мол-мулкни қайтариш мажбурияти аниқлаштирилмоқда. Хусусан, ворисликдан четлатилган шахс, яъни нолойиқ меросхўр мерос таркибидан асоссиз равишда қабул қилиб олган барча мол-мулкни қайтариб беради.

Амалдаги қонунларимизда нолойиқ меросхўрларни ворисликдан четлатиш учун асос бўладиган ҳолатлар бундай четлатиш келтириб чиқарадиган ворислик билан боғлиқ мулкий оқибатларга дахлдор шахснинг даъвоси бўйича суд томонидан белгиланади. Бу қоидалар васият мажбуриятига нисбатан ҳам қўлланилади. Қолаверса, улар ҳар қандай, жумладан, мажбурий ҳисса олиш ҳуқуқига эга меросхўрларга ҳам тааллуқлидир.

Хорижий давлатлар тажрибасидан келиб чиқиб, киритилган нолойиқ меросхўрнинг мерос таркибидан асоссиз равишда қабул қилиб олган барча мол-мулкни қайтариб бериши тўғрисидаги норма амалиётда қўлланилганда, меросга оид муаммолар ўз ечимини топади. Бу ҳолатлар эса, амалдаги кодексда эътиборга олинмаган.

Мазкур норма амалиётга жорий этилганда, суд қарори билан нолойиқ меросхўр деб топилган шахс мерос қилиб олган мулкка зарар етказган ёки уни қасддан йўқ қилган ҳолатларда мулкнинг ҳақиқий қийматини тўлаши лозим бўлади.

Бу масалада хорижий давлатлар тажрибаси таҳлил қилинганида, Франция, Германия ва Польша фуқаролик қонунчилигида нолойиқ меросхўрлар асоссиз олинган барча мол-мулкни қайтариб беришга мажбурлиги белгилангани аниқланди. Хусусан, Франция Фуқаролик кодексининг 729-моддасига мувофиқ, ворисликдан четлатилган шахс мерос қилиб олинган мулк ва мулк орқали олинган ҳар қандай даромадни ҳам қайтариб беради;

***бешинчидан,*** қонун бўйича мерос олинганида меросни муҳофаза қилиш ва уни бошқариш тўғрисидаги норма янги қоидалар билан бойитилди. Жумладан, васиятномани ижро этувчи ёки мерос очилган жойдаги нотариус меросхўрлар, васият мажбурияти юзасидан ҳуқуқ олувчилар ва бошқа манфаатдор шахсларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мақсадида, меросни муҳофаза қилиш ва бошқариш бўйича бошқа зарур чораларни кўриши белгиланди.

Россия фуқаролик қонунчилиги тажрибасидан келиб чиқиб, мерос таркибини аниқлаш ва уни муҳофаза қилиш мақсадида, банклар, кредит ташкилотлари ва бошқа юридик шахслар нотариуснинг сўровига кўра, мерос қолдирувчига тегишли бўлган мол-мулк ҳақидаги маълумотларни бериши мажбурийлиги ҳамда нотариус ушбу маълумотларни фақат васиятномани ижро этувчи ва меросхўрларгагина маълум қилиши мумкинлиги белгиланди.

Фуқаролик қонунчилигини такомиллаштириш концепциясига мувофиқ, мерос ҳуқуқи, хусусан, мерос қолдирувчи ва меросхўр кредиторларининг ҳимоясини кучайтириш йўли билан такомиллаштирилиши лозим. Мазкур қоида Латвия фуқаролик қонунчилигида мавжуд бўлиб, мерос мол-мулкини қўриқлаш билан боғлиқ чораларни кўриш мажбурияти юклатилган шахслар доирасини белгилайди.

Шунга кўра, мерос қолдирувчи ва меросхўр кредиторларининг манфаатларини таъминлаш мақсадида, нотариусга мерос таркибини аниқлаш ҳуқуқи берилмоқда. Бу қоида меросхўрларга тегишли ташкилотлар, шу жумладан, банк ва бошқа кредит ташкилотларида сақланаётган мерос таркибини — пул, қимматли қоғозлар ва бошқаларни аниқлашга ёрдам беради.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, янги таҳрирдаги Фуқаролик кодексига киритилаётган ворислик тўғрисидаги умумий қоидаларга тааллуқли янги ҳуқуқий институтлар ва нормалар амалиётга жорий этилганда, шубҳасиз, мерос ҳуқуқига оид фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлар иштирокчиларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини самарали ҳимоя қилишга тўсқинлик қилувчи ҳуқуқий бўшлиқлар ва коллизияларни бартараф этади.

**Дилдора АНВАРОВА,**
*Адлия вазирлиги ҳузуридаги Ҳуқуқий сиёсат тадқиқот институти масъул ходими, Оила ва мерос ҳуқуқи ишчи гуруҳи аъзоси*

*Янги қонун моҳияти*

# Янги қонун асосида

*амалдаги 12 та қонун ва 6 та кодексга ўзгартишлар киритилмоқда*

◀ **(Бошланиши 1-бетда)**

Шу сабабли, тегишли қонунларда жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги мутахассисларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни ташкил этиш ваколати Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигидан Жисмоний тарбия ва спорт вазирлигининг ваколатига ўтказилмоқда. Қонунлардаги "ихтисослаштирилган олимпия захиралари мактаб-интернатлари" деган сўзлар "олимпия захиралари коллежлари" деган сўзлар билан алмаштирилмоқда.

***Учинчидан.*** Ўсимлик дунёси объектларини муҳофаза қилиш соҳасида киритилаётган ўзгартишларнинг асосий ғояси — бу экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида жиноят ва маъмурий жавобгарликнинг янги механизмларини амалга жорий этиш орқали ўсимлик дунёси объектларини, айниқса, дарахт ва буталарни муҳофаза қилиш чораларини кучайтириш ҳисобланади.

Бундан кўзланган мақсад — дарахтлар ва бошқа ўсимликларни ғайриқонуний равишда кесиш, йўқ қилиш, кундаков қилиш, шикастлантириш ёки кўчириб ўтказиш учун жавобгарликнинг муқаррар эканлиги билан огоҳлантириш орқали бу йўналишда профилактика ишлари самарадорлигини оширишдан иборат.

***Тўртинчидан.*** Маиший ва қурилиш чиқиндилари билан боғлиқ соҳа қонунчилигига ўзгартишлар киритиш назарда тутилган. Бу борадаги янгиликлар, аввало, белгиланмаган жойларга қаттиқ маиший чиқиндиларни ва қурилиш чиқиндиларини ташлаш, суюқ маиший чиқиндиларни тўкиш учун маъмурий жавобгарликни кучайтиришни кўзда тутади.

Шу билан бирга, ушбу соҳа қонунчилигига киритилаётган ўзгартиришлар маълум ҳолатда ҳуқуқбузарликни содир этиш қуролларини мусодара қилиш жазосини киритиш орқали бундай қилмишлар содир этилишининг олдини олиш, фуқароларнинг атроф табиий муҳитга эҳтиёткорона муносабатда бўлишини назарда тутувчи конституциявий бурчига қатъий риоя этилишини таъминлашга қаратилган.

**Бешинчидан.** Ер ости бойликлари соҳасида киритилаётган ўзгартиришга асосан қимматбаҳо металларни олтин изловчилар усулида қазиб олиш фаолияти билан шуғулланаётган жисмоний ва юридик шахсларга янада қулайлик яратиш, ушбу фаолият турини яна такомиллаштириш мақсадида аукционга қўйиладиган ер қаъри участкаси майдонининг ҳозирдаги 1 гектар чекловини 5 гектаргача ошириш назарда тутилган.

***Олтинчидан.*** Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари соҳасида, шу жумладан, ҳунармандчилик соҳасини ривожлантириш борасида амалдаги қонунчиликда белгиланган "ҳунарманд — якка тартибдаги тадбиркорлар ўз фаолиятига кўпи билан беш нафар шогирдни жалб этишга ҳақли" деган чекловни рақобат муҳитини сўзсиз таъминлаган ҳолда бекор қилиш назарда тутилган.

***Еттинчидан.*** Архив иши соҳасини ривожлантириш мақсадида киритилаётган ўзгартишларга асосан, тугатилган ташкилотлар архив ҳужжатларини тегишли архивларга, шу жумладан, нодавлат архивларга топшириши зарур. Шунингдек, давлат архивлари биноларини муҳофаза қилиш; айрим ташкилотларда давлат ихтисослаштирилган архивларини ташкил этиш имкониятини яратиш; Миллий архив фонди ҳужжатларининг электрон базаларини ривожлантириш белгиланмоқда.

***Саккизинчидан.*** Таркибида гиёҳвандлик моддаси бўлган ўсимликларнинг саноат мақсадларида етиштирилиши ва муомалада бўлиши соҳасида, халқаро тажрибадан келиб чиққан ҳолда, республикада техник каннабисидан фойдаланишга доир тегишли ҳуқуқий базани такомиллаштириш мақсадида зарур қўшимчалар киритилмоқда. Бу янгиликларга кўра, таркибида тетрагидроканнабинол гиёҳвандлик моддасининг миқдори 0,2 фоизгача бўлган каннабис ўсимлигини етиштириш, олиб кириш ва олиб чиқиш, қайта ишлаш, сақлаш, реализация қилиш, бериш, олиш, ташиш ва йўқ қилиш учун тўланадиган давлат божи миқдорлари белгиланмоқда.

Янги қонуннинг ҳаётга татбиқ қилиниши жамиятимизнинг кўпгина соҳаларига ижобий таъсир қилади. Яъни ушбу қонун:

- мактабгача таълим тизимини мувофиқлаштиришга,
- жисмоний тарбия ва спорт соҳасида бошқарув тизимини янада такомиллаштиришга,
- дарахтлар ва бошқа ўсимликлар ғайриқонуний нобуд қилинишининг олди олинишига,
- чиқиндилар ташлашни тартибга солиш орқали фуқароларнинг атроф-муҳитни асраш борасидаги масъулиятини янада оширишга ҳамда экологик вазиятни яхшилашга,
- ерости бойликлари билан ишлашни тизимлаштиришга,
- ҳунармандчилик фаолиятини амалга оширишни янада соддалаштиришга, шунингдек, аҳолининг ишсиз қатламини иш билан таъминлашга,
- давлат ва нодавлат архивларида ҳужжатлар билан сифатли ишлашга,
- гиёҳвандлик билан боғлиқ бўлмаган саноат мақсадларида каннабис ўсимлигини етиштириш ва унинг муомалада бўлиши соҳасини ривожлантиришга хизмат қилади.

**Наримон УМАРОВ,**
*Олий Мажлис Сенатининг Суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш қўмитаси раиси*

*Жиноятга жазо муқаррар*

# Тарбиядаги кемтик

*бора-бора чуқур жарликка айланди*

***Маълумки, фарзанд тарбиясида, айниқса, ўғил бола тарбиясида мўътадил оилавий муҳит ва отанинг ўрни беқиёсдир. Негаки, қаттиққўллик, меҳнатсеварлик, ҳалоллик ва бошқа фазилатлар ўғил қалбига ота тарбияси орқали кўпроқ сингади.***

Наманган шаҳрида яшовчи, айни пайтда 26 ёшли Мансур Мадумаров (исм-шарифлар ўзгартирилган) болалигидан отасиз, ёлғиз онаси қўлида ўсгани боисми, жуда бебош, такасалтанг, энг ачинарлиси, жиноий қилмишларга мойил бўлиб улғайди. Буни у ҳали вояга етмай туриб, 16 ёшидаёқ жиноят кўчасига киргани, 24 ёшигача накд 7 марта судланганидан ҳам билиб олиш мумкин.

Мансур ҳар гал айнан ўғирлик жинояти учун суднинг қора курсисига ўтирган. Фақат у тўртинчи марта ўғирлик билан бирга Жиноят кодексининг 267-моддасида назарда тутилган транспорт воситасини олиб қочиш жиноятига ҳам қўл урган.

Бироқ биринчи маротаба судланишида ахлоқ тузатиш иши жазоси тайинланиб, Жиноят кодексининг 72-моддаси тартибида 1 йил синов муддати белгилангани, кейинги гал жазони ўташдан муддатидан аввал шартли равишда озод қилингани, тўртинчи гал судланишида амнистия актига кўра, ўталмай қолган 2 йилу 2 ой 23 кун жазоси шу муддатга ахлоқ тузатиш иши жазосига алмаштирилганига қарамай унинг сўқир кўзи очилмаган — ахлоқан тузалмаган.

**(Давоми 4-бетда)** ▶

# алдов

*ёки она ниқобидаги фириб*

Аёл уйига етиб келгач, унинг ортидан ички ишлар идораси ходимлари ҳам кириб келишади.

Энди воқеага аниқлик киритиш мавриди етган кўринади. Гап шундаки, рўй берган автоҳалокат оқибатида вафот этган Н.Холбўтаевнинг онаси ролини бажаришга М.Исоев қайнакасининг турмуш ўртоғи Шаҳло Арзиева билан ўзаро жиноий тил бириктирганди.

Агар тарозига қўйиш имкони бўлганида, воқеалар ривожида судланувчи М.Исоевнинг иштирокчилик даражаси ниҳоятга кўп тош босган бўларди. Чунки 1986 йил Пахтачи туманида туғилган, ўрта махсус маълумотли, оилали, икки нафар фарзанднинг отаси М.Исоев йигирма икки ёшидан ҳозиргача Жиноят кодексининг турли моддаларида назарда тутилган жиноятларни содир этиб, тўрт марта судланган.

Бировнинг бошига тушган фожиадан мўмай даромад топишдек ғараз ниятда судланувчи М.Исоев янгаси — жиноий шериги Ш.Арзиевага йўл-йўриқ кўрсатиб турган. Жабрланувчи Б.Омонқулов бир маҳаллада яшаганликлари сабабли, М.Исоев сингари Шаҳло Арзиевани ҳам яхши танирди. Шу сабабли, М.Исоев Ш.Арзиевани Б.Омонқулов ва унинг қариндошларига юзма-юз келмаслик чораларини излайди.

Вояга етмаган Ш.Рашидова целофан халтага солинган ўн беш миллион сўмни олаётган паллада гумроҳ аёл Ш.Арзиева туман электр тармоқлари корхонаси биноси ичида деразадан воқеани кузатиб турганди.

Энди судланувчиларга нисбатан жазо тайинлаш масаласига тўхталадиган бўлсак, суд дастлабки тергов идораси томонидан судланувчи М.Исоевнинг жиноий ҳаракати Жиноят кодексининг 165-моддаси 2-қисми "а, в" бандлари ҳамда судланувчи Ш.Арзиеванинг жиноий ҳаракатлари Жиноят кодексининг 165-моддаси 2-қисми "а,в" бандлари ва 127-моддаси 3-қисми билан нотўғри квалификация қилинган деган хулосага келди.

Негаки, ушбу қилмиш Жиноят кодексининг 165-моддаси таркибини бермайди. Товламачиликнинг моҳияти шундаки, жабрланувчи ёки унинг яқин кишиларига зўрлик ишлатиш, мулкка шикаст етказиш ёки уни нобуд қилиш ёхуд жабрланувчи учун сир сақланиши лозим бўлган маълумотларни ошкор қилиш билан қўрқитиб, ўзгадан мулкни ёки мулкий ҳуқуқни топширишни, мулкий манфаатлар беришни ёхуд мулкий йўсиндаги ҳаракатлар содир этишни талаб қилиш ёхуд жабрланувчини ўз мулки ёки мулкка бўлган ҳуқуқини беришга мажбур қиладиган шароитга солиб қўйиш билан боғлиқ ҳолатлар бўлиши керак.

Бироқ М.Исоев ва Ш.Арзиевалар жабрланувчи Б. Омонқуловнинг ишончига кириб, уни алдаган, 30 миллион сўмни йўл-транспорт ҳодисаси бўйича жабрланувчи деб топилган Г.Фахриддиновага даъвосидан воз кечиши учун бераётганига ишонтиришган.

Шунингдек, судда аниқланган ҳолатларга қараганда, М.Исоев ва Ш.Арзиеваларнинг қасди жабрланувчи Б.Омонқуловнинг 30 миллион сўмини қўлга киритишга қаратилган. Дастлаб 15 миллион сўмни қўлга киритишгач, ўзларининг жиноий ҳаракатларини давом эттириб, қолган 15 миллион сўмни олгач, ўзларига боғлиқ бўлмаган ҳолатларга кўра, фирибгарлик жиноятини охирига етказа олишмаган.

Суд юқорида қайд этилганларни эътиборда тутиб, судланувчи М.Исоев ва Ш.Арзиеванинг жиноий ҳаракатларини Жиноят кодексининг 165-моддаси 2-қисми "а, в" бандларидан кодекснинг 25, 168-моддаси 2-қисми "а, б" бандларига қайта квалификация қилишни лозим топди.

Воқеа тафсилотларидан маълумки, судланувчи Ш.Арзиева вояга етмаган жияни Ж.Рашидовага судланувчи М.Исоев келиб, унга целофан пакетда бир нарса ташлаб кетишини, уни олиб қолишини ва ўзига келтириб беришини айтган. Маълум бўляптики, қизча ушбу пакетда нима борлигини билмаган, фирибгарлик жиноятидан унинг хабари йўқ. Суд юқоридаги ҳолатга асосланиб, Ж.Рашидованинг ушбу қилмишида жиноят таркиби мавжуд эмас, деб ҳисоблади ва уни Жиноят кодексининг 127-моддаси 3-қисмида кўзда тутилган жиноятни содир этганликда айбсиз деб топди.

Ҳар қандай жиноий қилмишнинг ибтидоси ва интиҳоси бор. Бу гал ҳам шундай бўлди, суд ҳар иккала судланувчига қилмишларига яраша қонуний ва адолатли жазо тайинлади.

Воқеа баёнидан хабардор бўлган киши кўнглидан дафъатан халқимизнинг "Букрини гўр тўғрилайди" деган нақли кечади. Ушбу нақл табиатида жиноятга мойиллик ҳар доим устун М.Исоев ва унинг аврашларига учиб, жиноят кўчасига кирган Ш.Арзиева сингари кимсаларга нисбатан айтилган бўлса керак.

Ғараз нияти кўнглида ниш уриб турган бу кимсалар ўз манфаати йўлида ҳеч нарсадан тап тортмади. Ҳатто азадор аёл либосини кийиб, ўзгалар бойлигини эгаллашдан ҳам ҳайиқишмади.

Охир-оқибат эса, қилмишларининг аччиқ таъмини таътиб кўришга мажбур бўлишди.

Бундан кўринадики, ҳаётда ёмонлик ҳеч қачон жазосиз қолмайди. Буни сира унутмаслик керак.

**Азиз АКРАМОВ,**
*жиноят ишлари бўйича Пахтачи тумани судининг раиси*

**Абдуҳамид ХУДОЙБЕРДИЕВ,**
*"Куч — адолатда" мухбири*

*Мезон*

# Тахминий айблов

*судда қайта малакаланди, айбдорга адолатли жазо берилди*

**Аввало шуни айтиш керакки, Жиноят-процессуал кодексининг 463-моддасига кўра, айблов ҳукми тахминларга асосланган бўлиши мумкин эмас ва фақат судланувчининг жиноят содир этишда айбли эканлиги суд муҳокамаси давомида исбот қилинган тақдирдагина чиқарилади.**

Шунингдек, Олий суд Пленумининг 2014 йил 23 майдаги **"Суд ҳукми тўғрисида"**-ги қарорида қонуннинг ушбу нормаси юзасидан судларга раҳбарий тушунтириш берилган. Бу нормага кундалик ҳаётимизда қандай амал қилинаётганига суд амалиётидан мисол келтирамиз.

Судланувчи Тиркаш Тожиддинов (исм-шарифлар ўзгартирилган) ўзининг "Газ-53" русумли юк автомашинасида ўтган йилнинг октябрь ойида қовун-тарвуз сотиб олиш мақсадида, Жиззах вилоятининг Арнасой туманига боради. Туман марказидан беш-олти километр олисликдаги даладан қовун-тарвуз олаётиб, бетон ариқ бўйида ёввойи ҳолатда ўсиб турган, бўйи икки метрча келадиган наша ўсимлигига кўзи тушади. Текшириб кўрганда, ўсимликнинг ҳақиқатан ҳам, наша эканлигига ишонч ҳосил қилади.

**(Давоми 4-бетда)** ▶

*Мезон*

# Тахминий айблов

## *судда қайта малакаланди, айбдорга адолатли жазо берилди*

◀ (Бошланиши 3-бетда)

Орадан тўрт-беш кун ўтиб, Т.Тожиддинов яна Жиззах вилоятига борадиган бўлади. Бу гал у юк автомашинасига эҳтиёт қисмлар олиб келмоқчи эди. Жиззах вилоятига боргач, киракаш автомашина эгасидан ўша ўзи билган далага олиб боришни сўрайди.

У манзилга етгач, бетон ариқ ёқасида ёввойи ҳолатда ўсиб турган гиёҳвандлик ўсимлигидан, тахминан, ўнтасини барглари билан қўшиб юлиб олади-да, елим халтага солиб, эгнидаги кийимининг ичига жойлайди. Жиззах шаҳридан автомашинасига эҳтиёт қисмлар олгач, Хатирчига қайтиб келади.

Воқеанинг давоми шундай кечади: ўша пайтда Тиркаш оиласи билан ота-онасининг уйида яшарди. Уйдагилар сезиб қолмаслиги учун у наша солинган целофан пакетни қишлоғидаги зовур бўйига олиб боради ва кўмиб қўяди. Кейинчалик беш-олти марта кўмилган жойидан нашани олади ва чекиб кўради.

— Фильтрли сигаретни махоркасини бўшатиб, ўрнига наша баргларини майдалаб, жойладим, — деди у суддаги кўрсатмасида. — Айниқса, бир-икки пиёла арoқ ичганимдан сўнг уни чекардим. Нашани яшириб қўйганим ва чекишимдан турмуш ўртоғим ҳам, бошқалар ҳам хабарсиз эди.

Шу йилнинг февраль ойида Т.Тожиддинов оиласи билан янги уй-жойга кўчиб чиқади. Шундан сўнг у ота-онасининг уйига яқин бўлган зовур бўйида кўмиб қўйган "омонат"ини ҳам янги уйига олиб келади. Сумкага солиб, девордаги михга илиб қўяди.

Туман ички ишлар бўлими ходимлари томонидан шу йилнинг 10 май куни "Қорадори — 2020" тадбирининг биринчи босқичи ўтказилди. Ноқонуний иш очилмасдан қолмас экан. Т.Тожиддиновнинг қилмишлари ҳам тадбир чоғида фош бўлди.

Навоий вилоят ИИБ ЭКБнинг шу йил 11 майдаги хулосасида Т.Тожиддиновнинг яшаш хонадонидан олинган яшил-қўнғир рангли, қўл билан ушлаб кўрилганда қуруқ ҳолдаги, ўзига хос ўткир ҳидли, ўсимликсимон модда "марихуана" бўлиб, қуруқ ҳолдаги соф вазни 287,36 грамм экани қайд этилган.

Судланувчи Т.Тожиддиновнинг айби:

- яшаш уйида тинтув ўтказиш ҳақидаги қарор ва баённома;
- Арнасой туманида ўтказилган айбланувчининг кўрсатмаларини ҳодиса содир бўлган жойда текшириш ҳақидаги баённома;
- воқеа жойи акс эттирилган фотожадваллар;
- гиёҳвандлик воситаси кўмиб қўйилган ва деворга илиб қўйилган жойда туширилган фотосуратлар;
- шу билан бирга, гувоҳлар М.Тожиддинова, С.Баҳромов, Ғ.Умрқулов, С.Мелижонов, Т.Худойназаров ва Н.Шодиеванинг сўроқ баённомалари ва суддаги кўрсатмалари;
- жиноят ишида мавжуд бошқа ишончга сазовор холис далиллар билан ўз тасдиғини топди.

Суд дастлабки тергов органи судланувчи Т.Тожиддиновнинг 287,36 грамм кўп миқдордаги "марихуана" гиёҳвандлик воситасини сотишга суиқасд қилганликдаги ҳаракатларини Жиноят кодексининг 25, 273-моддаси 5-қисми билан малакалаб, хатоликка йўл қўйган, деган тўхтамга келди.

Бунинг сабабларини изоҳлайдиган бўлсак, тергов органи судланувчидан олинган ушбу миқдордаги гиёҳвандлик воситаси истеъмол қилинишини истисно этадиган миқдорда топилганлигидан келиб чиққан. Т.Тожиддиновнинг ушбу воситани ўтказишга суиқасд қилганликда айби исботланган.

Бироқ унинг гиёҳвандлик воситасини айнан ҳақ эвазига сотишга суиқасд қилганлиги ҳақидаги хулосага асос бўладиган бирон-бир далилни келтирмасдан, судланувчига тахминий айб эълон қилинган.

Бу фикримизга Олий суд Пленумининг 2017 йил 28 апрелдаги "Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилишга оид жиноят ишлари бўйича суд амалиёти тўғрисида"ги қарори тўла асос бўлади.

Негаки, ушбу қарорнинг 21-бандида Жиноят кодексининг 273-моддаси 1-қисмида назарда тутилган гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддаларни қонунга хилоф равишда ўтказиш деганда,



уларни турлича усулда ҳақ эвазига ёки текинга, яъни сотиш, ҳадя этиш, алмаштириш, қарз эвазига ёки қарз сифатида бошқа шахсларга бериш тушунилиши қайд этилган.

Гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддаларни сотиш усулида кўп миқдорда ўтказиш, уларни ўтказишнинг энг ижтимоий хавфли кўриниши ҳисобланиши туфайли мазкур қилмиш Жиноят кодекси 273-моддасининг 5-қисми билан квалификация қилиниши лозим. Ушбу қарорнинг мазкур бандида гиёҳвандлик моддаларини кўп миқдорда бошқа барча усулларда ўтказиш Жиноят кодексининг 273-моддаси бошқа тегишли қисми билан жавобгарлик келиб чиқишига сабаб бўлиши таъкидланган.

Шу ўринда Навоий вилоят суд-тиббий экспертиза бюроси суд-кимё бўлимининг шу йил 19 майдаги хулосасига эътибор қаратайлик. Мазкур хулосада судланувчи Т.Тожиддиновнинг қон таркибида опий алколоидига тегишли гиёҳвандлик воситалари мавжуд эмаслиги қайд этилган.

Бундан ташқари Навоий вилоят судга оид наркологик экспертизасининг шу йил 14 майдаги хулосасида Т.Тожиддинов гиёҳвандлик касаллигидан мажбурий тиббий даволанишга муҳтож эмаслиги таъкидланган.

Судда аниқланган ҳолатлар шуни кўрсатдики, гиёҳвандлик воситалари фақат истеъмол қилинишини истисно этадиган миқдорда топилгани, экспертизанинг эса, айбдор гиёҳванд эмаслиги тўғрисида берган хулосасининг ўзи Т.Тожиддиновни гиёҳвандлик воситаларини айнан ҳақ эвазига ўтказишга суиқасд қилганликда айблаш учун етарли далил ҳисобланмайди.

Чунки судланувчи гиёҳвандлик воситасини айнан сотиш ҳақида бирон-бир шахс билан келишмаган. Ёки унинг шунга қаратилган ҳаракатлари ўзига боғлиқ бўлмаган ҳолатда тўхтатилган.

Қолаверса, Т.Тожиддиновнинг гиёҳвандлик воситасини айнан сотиш йўли билан ўтказиш мақсади бўлгани аниқланмаган. Бундай далилни бугунги кунда тўплаш ва мавжуд шубҳани бартараф этиш имкониятлари тугаган.

Судланувчи Т.Тожиддиновни гиёҳвандлик воситасини қонунга хилоф равишда сотиш йўли билан ўтказиш мақсадининг бўлганлиги тасдиқланмагани боис суд унинг ҳаракатларини гиёҳвандлик воситасини кўп миқдорда бошқа барча усулларда ўтказиш учун сақлаш деб баҳолашни лозим топди.

Шунга кўра, юқоридаги асослар ва Олий суд Пленуми тушунтиришларидан келиб чиқиб, суд судланувчи Т.Тожиддиновнинг жиноий ҳаракатини Жиноят кодексининг 25, 273-моддаси 5-қисмидан 273-моддаси 2-қисмига қайта малакалади.

Хуллас, судланувчи Т.Тожиддинов суд томонидан қайта малакаланган модда билан айбли деб топилиб, уч йил олти ой муддатга озодликдан маҳрум этилди.

Энди бир тасаввур қилинг: агар Т.Тожиддиновга дастлабки тергов органи томонидан қўйилган айб — Жиноят кодексининг 25, 273-моддаси 5-қисми билан жазо тайинланганида, у саккиз йилдан — ўн йилгача муддатга озодликдан маҳрум этилган бўларди.

Гувоҳи бўлганингиздек, суд ишни мазмунан кўришда одил судлов мезонига қатъий амал қилди. Мавжуд қонунлар меъёрларига таяниб, асосли тўхтамга келди, судланувчи Т.Тожиддиновга нисбатан дастлабки тергов органи томонидан қўйилган тахминий айб судда қайта малакаланди ва айбдорга адолатли жазо тайинланди.

Вилоят суди апелляция инстанциясининг шу йил 11 сентябрдаги ажрими билан биринчи босқич судининг ушбу ҳукми ўз кучида, ўзгаришсиз қолдирилди.

**Суюн БЎТАЕВ,**
*жиноят ишлари бўйича Хатирчи тумани судининг раиси*

***Халқимизда "Ёшлик — бебошлик" деган ибора бор. Шу икки сўз замиридаги теран маъно мисолида ёшларни хуш ахлоқли ва юксак интизомли инсонлар этиб тарбиялаш масаласи асрлар оша долзарблигини йўқотмай келаётганини тушуниш қийин эмас.***

*Қилмиш-қидирмиш*

# Бебошликнинг боши берк кўчаси



Жиноят ишлари бўйича Яккасарой туман судида навбатдаги жиноят ишини кўриб чиқиш чоғида хаёлимиздан ўтган фикрлар шу бўлди. Суднинг қора курсисида ўтирган икки йигит айни орзу, ишонч, келажакка буюк режалар тузиш палласида жиноятга қўл ургани учун бошлари эгик.

Жиноятга икки ёшнинг бетайин режаси етаклаб келган. Маълум бўлишича, "Ўзтемирйўлйўловчи" акциядорлик жамиятининг электрчилангари Жасур (исм-шарифлар ўзгартирилган) ҳамкасби, аккумляторчи вазифасида ишлайдиган Наби билан йўловчи вагоннинг совутиш тизими ишлашини таъминловчи "Delixi" қурилмасини ўғирлаш устида бош қотириб ўтиришмади.

Ҳар иккиси ҳам қурилма мўмай пул туришини билишарди. Шу боис, икковлан уни сездирмай ўғирлаш ҳаракатига тушишди.

Нафс балоси уларни жиноят кўчасига осонгина етаклади. Узоқни кўра билмаслик, калтафаҳмлик ва бебошлик уларни шу кўйга солди.

Шундай қилиб, илк бор ўғирлик ўтган йилнинг 13 декабрь куни содир бўлди. Ўша кунги "иш"нинг миси чиқмади. Чунки иш вақти тугашини кутишгани, унгача қурилмани бирор-бир тинч, кўздан пана жойда сақлашгани сабабли ўғирликни ҳеч ким пайқамади.

Қаранг, икки навқирон йигитнинг эгриликни қай тарзда бажаришга етган ақллари тўғри юришнинг ҳам мукофоти борлигига етмасмиди? Аксинча, улардаги бебошлик ақлнинг "кўзлари"га парда тортди.

Улар қурилмани Янгиобод бозорида Лола исмли "чаққон олибсотар" аёлга 2 миллион 800 минг сўмга пуллаб юборишди.

Шахсий эҳтиёжлари йўлида тез сарф бўлган текин даромадга мазахўрак бўлган ҳамтавоқлар яна ўғрилик кўчасиги киришди.

Орадан икки кун ўтиб, "шоввоз"лар ўша қурилмалардан яна бирини "тинчитиш"ди. Бу гал ҳам уларнинг "маҳсулот"ига айни ўша "чаққон олибсотар" аёл харидор бўлди.

Учиничи ўғирлик эса, орадан беш кун ўтиб содир этилди. Асосий фикримиздан чалғимаслик учун воқеалар кетма-кетлиги тафсилотларига тўхталишни лозим топмадик.

Муҳими, содир этилган жиноят кўп ўтмасдан фош бўлди. Ўғирликка қўл урган ҳамтавоқлар тегишли жазосини олди.

Ачинарлиси шундаки, агар ана шу ёшлар ҳам тенгдошлари каби орзу, ишонч, келажакка тузилган улкан режалар ҳақидаги ўй-фикрлар билан банд бўлганида, бугун суднинг қора курсисида ўтиришмаган бўларди.

**Санжар ИБОДОВ,**
*жиноят ишлари бўйича Яккасарой тумани судининг судьяси*

*Жиноятга жазо муқаррар*

# Тарбиядаги КЕМТИКЛИК

◀ (Бошланиши 3-бетда)

Еттинчи марта эса, жиноят ишлари бўйича Уйчи тумани судининг 2018 йил 6 мартдаги ҳукмига биноан, Жиноят кодексининг 169-моддаси 3-қисми "а" банди билан айбдор деб топилиб, кодекснинг 59-моддаси тартибида 5 йилу 3 ой муддатга озодликдан маҳрум этилган. Лекин ҳукуматимиз томонидан унга нисбатан яна бағрикенглик кўрсатилиб, жиноят ишлари бўйича Зангиота туман судининг 2019 йил 24 августдаги ажримига мувофиқ, ўталмаган 4 йилу 5 ой 20 кун жазоси иш ҳақининг 20 фоизини давлат даромадига ушлаб қолган ҳолда шу муддатга ахлоқ тузатиш иши жазосига алмаштирилган.

Аммо М.Мадумаров озодликка чиққач, орадан 4 ой ўтиб, яна оғир ва ўта оғир жиноятларга қўл урди. Аниқроқ айтганда, Мансур ахлоқ тузатиш иши жазосини ўташни бошлагач, шаҳардаги "Гранд Мед Медикал Центр" масъулияти чекланган жамиятига ёлланма ишга жойлашганди. Бинобарин, 2019 йил 29 декабрь куни ушбу жамият раҳбари Аюбхон Толиповнинг корхона қўйхонасида сақланаётган 23 бош қўйларини ўғирлашни режалаштиради. Бироқ қўйларни олиб чиқиб кетиши учун жамият қоровули — 76 ёшли Роҳатали Баҳриддинов тўсқинлик қилиши мумкинлиги эсига тушади. "Аввал чолни гумдон қилишим керак", — деб ўйлади у. Шунинг учун соат $12^{00}$ ларда ҳеч иккиланмай пичоқ билан қуролланиб, кекса ва ожиз аҳволдаги, хизмат ҳамда фуқаролик бурчини бажараётган Р.Баҳриддиновга ҳужум қилади. Яъни қоровулнинг юзига бир неча маротаба қўли билан уриб, уни ўзини ҳимоя қилиш имкониятидан маҳрум этади. Натижада Роҳатали ота эмаклаган кўйи қоча бошлайди. Мансур уни қувиб етиб, кўкрак қафаси, бўйни ва баданининг турли соҳаларига 7 марта пичоқ санчади. Сўнгра ўта шафқатсизлик билан жабрланувчини қийноққа солган ҳолда судраб, жамият омборига олиб кириб яшириб қўяди. Оқибатда Р.Баҳриддинов олган тан жароҳатлари натижасида жон таслим қилади.

Шундан сўнг М.Мадумаров далилларни йўқ қилиш мақсадида, қон доғлари сачраган кийимларини шоша-пиша алмаштиради-да, "Спарк" русумли автомашинасида шаҳарнинг Й.Охунбобоев кўчасида жойлашган ахлатхонага бориб, уларни бир литр бензин сепиб ёқиб юборади. Кейин соат $15^{40}$ ларда яна "Гранд Мед Медикал Центр" масъулияти чекланган жамиятига қайтиб келиб, қўйхонадаги 23 бош, бозор баҳоси 34.500.000 сўмлик қўйларни ўзига нотаниш ва содир этилган жиноятдан хабари бўлмаган Муҳиддин Кимсановга 19.000.000 сўмга сотиб юборади. Харидорни шубҳалантирмаслик учун эса, ўзини масъулияти чекланган жамият раҳбари сифатида таништиради.

Буни қарангки, кейинги галда Мансур таниши Ғолибжон Боймирзаевни алдаб, ундан маълум муддат қоровулхонада ўтириб туришини илтимос қилади.

— Ҳадемай сизни қоровул вазифасига ишга жойлаштириб қўяман. Ҳозир эса, шу ерда ўтириб, сўраганларга ўзингизни қоровул эканлигингизни айтиб турсангиз бўлди. Ишчилар кетишгач, хабар берсангиз, мен эшикларни ёпиш учун келаман, — дейди у.

У шундай деб қўйларни сотишдан тушган 19.000.000 сўмни олиб чиқиб кетади. Сўнг шаҳарнинг Амир Темур кўчасига бориб, 8.636.000 сўмга "Спарк" автомашинаси учун эҳтиёт қисмлари




ҳамда 519.000 сўмига "Richman" номли савдо мажмуасидан ўзига янги кийим-кечаклар сотиб олади. Қолган пулларни эса, шахсий эҳтиёжларига сарфлаб юборади.

Шу ўринда бир гап. "Гранд Мед Медикал Центр" масъулияти чекланган жамияти биносида якка тартибдаги тадбиркор Юсуфжон Иминжонов ва "Амелия Смарт АР" масъулияти чекланган жамияти раҳбари Марина Кузнецова биргаликда фаолият юритишарди. Ғолибжоннинг ҳамма ишчи-хизматчилар кетгани ҳақидаги хабаридан сўнг қайтиб келган Мансур Мадумаров Ю.Иминжонов ва М.Кузнецованинг пулларини ўғирлашга киришади. Бунинг учун аввалига иккала тадбиркорнинг хоналарига ўрнатилган кузатув камераларига тушиб қолмаслик мақсадида, электр токини тармоқдан узиб қўяди. Кейин Ю.Иминжоновнинг хонасига кириб, темир сейфни бузиб очади. Пировардида сейфда турган 81.500.000 сўм ва 500 АҚШ доллари (ўша пайтда 1 АҚШ доллари 9516 сўмга тенг бўлган)ни ўмаради. Худди шундай усулда Марина опанинг хонасидаги темир сейфни ҳам очиб, 2.000.000 сўмни ўғирлайди.

Лекин "қаҳрамони"имизнинг жиноий ҳаракатлари шу билан якунланмайди. Аниқроғи, у "Спарк" русумли автомашинасида Учқўрғон туманига қочиб бориб, туманнинг Қумтўғон маҳалласи Янгиобод кўчасидаги 30-уйга ўғирликка тушади. Яъни хонадон соҳиби Исмоил Тешабоевнинг жами 810.000 сўмлик кийим-кечакларини ўғирлайди. Аммо автомашинасида Наманган шаҳрига қайтаётганида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар ходимлари ўзининг орқасидан тушишганини сезиб қолади. Негаки, 2019 йил 30 декабрь куни Роҳатали Баҳриддиновнинг мурдаси омбордан топилгач, "Гранд Мед Медикал Центр" масъулияти чекланган жамияти ишчилари ички ишлар бўлимига хабар беришганди. Шу боис, Мансур автомашинасини Учқўрғон тумани марказида қолдириб, ўзи пиёда дала майдонлари орқали Наманган шаҳрига қайтади. Бироқ 2020 йил 1 январь куни соат $18^{30}$ ларда шаҳарнинг 5-кичик тумани — ҳозирги Давлатобод тумани ҳудудида ички ишлар идорасининг тезкор ходимлари томонидан ушланади. Учқўрғонда қаровсиз қолдирилган автомашинасидан эса, тадбиркор Ю.Иминжоновга тегишли 36.000.000 сўм топилиб, далилий ашё тариқасида олинди.

Шундан сўнг қотил, ўғри ва босқинчи йигитга нисбатан жиноят иши қўзғатилди. Жиноят ишлари бўйича Наманган вилояти суди эса, уни Жиноят кодексининг 97-моддаси 2-қисми "в", "г", "ж", "и" бандлари, 164-моддаси 4-қисми "а" банди, 169-моддаси 3-қисми "а" банди ва 219-моддаси 2-қисми билан айбдор деб топди ва кодекснинг 59, 60, 61-моддалари тартибида жазоларни қисман қўшиш йўли билан узил-кесил 20 йил муддатга озодликдан маҳрум этди. Қолаверса, Мансур Мадумаров Жиноят кодексининг 34-моддаси 3-қисми "а" бандига асосан, ўта хавфли рецидивист деб топилди. Шунингдек, суд ҳукмида Наманган вилоят прокуратурасининг депозит ҳисоб рақамига топширилган 49.845.000 сўм маблағни фуқаровий даъвогар ва жабрланувчиларга қайтариш, судланувчидан жабрланувчи Роҳатали Баҳриддиновнинг ўғлига 42.000.000 сўм моддий ва 10.000.000 сўм маънавий зарар, жабрланувчи Ю.Иминжоновга 44.413.000 сўм, фуқаровий даъвогар М.Кимсановга 19.000.000 сўм моддий зарар ундириш ҳам белгиланди.

Энди бир мулоҳаза қилиб кўрайлик. Ота тарбиясини кўрмаган ноқобил фарзанд навқирон 26 ёшида саккизинчи маротаба судланиб, 20 йил муддатга озодликдан маҳрум этилди. Жазо муддатини ўтаб чиққанда эса, у 46 ёшда бўлади.

Бундан ташқари вояга етмай туриб, жиноятчига айланган йигитнинг тақдирига ва юриш-туришига маҳалла оқсоқоли, фаоллари ҳамда ҳудуд профилактика инспекторининг лоқайдлик билан қарагани, у билан дўстона мулоқотга киришиб, етарлича чора-тадбирлар белгиланмагани туфайли 8 йил мобайнида 7 маротаба судлангани ҳар қандай кишини ўйлантириб қўяди. Яъни ёлғиз она ёлғиз ўғлини тўғри йўлга сололмаган экан, бу муаммони жамоатчилик аралашуви билан ҳал қилиш мумкин эди-ку?! Мана оқибати — биргина масъулиятсизлик ва лоқайдлик нафақат онаизорга чексиз азоб-уқубат етказди, балки маҳалла шаънига ҳам ўчмас доғ туширди. Бу ҳолат эса, барча ота-оналар ва маҳалла фуқаролар йиғинлари масъулларига сабоқ бўлади, деган умиддамиз.

**Илёсжон УСМОНОВ,**
*жиноят ишлари бўйича Наманган вилояти судининг судьяси*

**Хуршид СУЛТОНОВ,**
*"Куч — адолатда" мухбири*

**Куч — адолатда**

*МУАССИС:*
**Ўзбекистон Республикаси Олий суди**

*Бош муҳаррир:*
**Шодиқул ҲАМРОЕВ**

Газета 2007 йил 23 февралда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0224-рақам билан рўйхатдан ўтган.

ISSN 2181-6123

9 772181 612006

*ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:*
Козимджан КАМИЛОВ
Робахон МАХМУДОВА
Икрам МУСЛИМОВ
Холмўмин ЁДГОРОВ
Бахтиёр ИСАКОВ
Светлана АРТИКОВА
Зарифжон МИРЗАҚУЛОВ
Нодирбек САЛАЕВ
Замира ЭСОНОВА
Олим ҲАЙИТОВ
Бобомурод РАЙИМОВ

Навбатчи муҳаррир:
Сардор ҲАМРОЕВ

Саҳифаловчи:
Шерзод ХАЙРУЛЛАЕВ

Газета «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида офсет усулида босилди. Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
**Манзилимиз: Тошкент шаҳри, А. Қодирий кўчаси, 1-уй**
**Тел.: (0 371) 241-01-56, 239-02-54**
**E-mail: kuch-adolatda@mail.ru**
Нашр индекси: якка тартибда - 574, ташкилотлар учун - 575.
Буюртма: Г-1123. Қоғоз бичими: А-2. Ҳажми: 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда. Адади: 4973
1 2 3 4 5 6 Топшириш вақти: $21^{00}$. Топширилди: $22^{00}$.